

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОМИДОВ ҲУСНИДДИН КЎПАЙСИНОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЖАМОАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Ҳомидов Ҳусниддин Кўпайсинович

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат
ташкilotлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини
такомиллаштириш..... 3

Ҳомидов Ҳусниддин Копайсинович

Совершенствование механизма координации общественных
организаций в воспитании студентов в духе патриотизма..... 24

Khomidov Husniddin Kupaysinovich

Improving the mechanism of coordination of public organizations in
educating students in the spirit of patriotism 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОМИДОВ ҲУСНИДДИН КЎПАЙСИНОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЖАМОАТ
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1011 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худойкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори, профессор
Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019 Ped 78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» 11 соат 900 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111 Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, E-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88- рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй Тел. (376) 221-74-55)

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 11 куни тарқатилди
(2022 йил «12» 11 даги 13- рақамли реестр баённомаси).



Н.Т. Чориев

олий даражалар берувчи Илмий
раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ. Бозорова

олий даражалар берувчи Илмий
котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж. Худойкулов

олий даражалар берувчи Илмий
семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жамият тараққиёти учун хизмат қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, ўз мамлакати ва бошқа халқларига ҳурмат билан ёндошиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, ёшлар сиёсати муассасаларида ёшларни ватанпарварлик асосида тарбиялаш, фуқаролик бурчини ва Ватанини ҳимоя қилиш учун конституциявий вазифаларни бажариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмакда.

Ҳозирги кунда дунё бўйича ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавийли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишига доир илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратиб бериш, таълим ва тарбия интеграцияси асосида шакллантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

XXI асрнинг ҳар куни мустақил давлатимиздаги соғлом дунёқарашга эга бўлган ватанпарвар ёшларга фикрлаш ва ҳалол меҳнат қилиш даври эканлигини сездириб бормоқда. Айниқса, аждодларимиздан бизгача мерос бўлиб келган юксак инсоний сифат ва фазилатларнинг ёшлар тарбиясига сингиб, уларнинг маънавий етук, ватанпарвар, салоҳиятли, зукко ва баркамол бўлиб шаклланишидаги хизмати беқиёслигига шубҳа йук. Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритган дастлабки кунларданок шу каби муҳим ва долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш бевосита талабаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқдир. Мамлакатимизда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва таълим - тарбиянинг бош мақсади этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»¹, деб алоҳида қайд этди. Демак, талабаларнинг тарбияси, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари, авваламбор, шу жамиятни қуришга фаол иштирок этадиган, умуминсоний қадриятларни мукамал эгаллаган ва унга содиқ, иймон-этиқодли, теран ақл эгаси, пок ахлоқли, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятини чуқур англайдиган инсонларни тарбиялаш баробарида амалга оширилади ва олий ўқув юртлари, муҳим ижтимоий институт бўлиб ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сийсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сийсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон қарори, 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисидаги”ги ПФ-81-сон Фармонлари ва ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тadbирот иши муайян даражада хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ, бу борада ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам мавжуд, чунончи, талабаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга оид тажрибаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги; шунингдек, талабаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласининг мустақил тadbирот сифатида тadbирқ этилмаганлиги тadbирқот муаммосининг долзарблигини асослайди.

Тadbирқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тadbирқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Кейинги йилларда, ёшларнинг маънавиятини шакллантиришга оид бир қанча илмий тadbирқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, М.Қуроноф, Ж.Ғ.Йўлдошев, О.Мусурмонова, М.Иномова, У.Маҳкамов, С.Нишонова, Н.Алметов, А.К.Мунаваров, Д.Рўзиева, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмонова, Ш.Халилова, Х.Х.Ғайдаралиев, А.Самадов, Р.Қурбонов, Э.Қалқонофларнинг тadbирқотларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга илмий-педагогик асослаб, педагогика соҳасини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, технологик ёндашув асосида таълим самарадорлигини ошириш ва талабаларни маънавиятини шакллантиришда Ғ.Йўлдошев Н.Н.Азизходжаева, М.Қ Пардаев, Н.Саидахмедов, Л.В.Ғолиш, Р.Ж.Ишмухамедов, А.У.Арзиқулов, М.Очилов, Ў.Толипов ва бошқаларнинг илғор қарашларидан кенг фойдаланилди.

Олий таълим тизимида талабалар шахсини шакллантириш, уларда миллий ифтихор, Ватан равнақи, огоҳлик ва фидойилик, фуқаролик маданиятини шакллантириш масалалари Ғ.Рўзиева, М.Арипова, Ш.Раҳимов,

Б.Хўжаевларнинг илмий тадқиқот ишлари, рисолалари, ўқув қўлланмаларида маълум жиҳатдан ўз ифодасини топа олган.

А.Азизхўжаев, А.Алиев, Б.Аминов, Т.Расулов, С.Атамуратов, Ш.Бахранов К.Юсупов,, А.Жалолов, Н.Жўраев, Ж.Туленов, З.Ғофуров, О.Шарофиддинов, Э.Юсупов ва Ў.Юсуповларнинг ишларида шахс камолоти, унда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, шахсда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг шаклланиши, бу жараёнда миллий маънавиятнинг ўрни ва роли таҳлил этилан.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Н.Л.Березницкая, Э.Бетти, Э.Биккерман, Н.В.Пивоварова, Ю.М.Бундина, В.Л.Иноземцев, А.И.Пригожин, В.Ж.Келле, С.Е.Крючкова кабилар томонидан ватанпарварлик тарбиясининг педагогик жиҳатлари билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Хорижий мамлакатлари олимларидан Э.Риэрдон Бетти, Т.Адорно, М.Хоркеймэр, Ж.Эллпорт, С. Мендус, С.Хэллэр, Ж.А. Ҳавринс, Ҳартманн Инго, Винсент Греней кабиларнинг илмий тадқиқот ишларида, рисолаларида, қўлланмаларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тушунчасининг назарий асослари маълум даражада ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, уларнинг ўз-ўзини англаши ва ўз мустақил фикрининг ривожланиши билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган АИҒ 2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги халқаро амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот мавзусига оид фалсафий, педагогик, психологик адабиётлар таҳлили асосида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмининг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва унинг дастлабки концептуал асослари ҳамда ривожлантириш методларини ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий, тарбиявий жараёни белгиланган бўлиб, унда Бухоро муҳандислик-технология институти, Қарши ва Урганч давлат университетларнинг 618 нафар талабалари респондент сифатида жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш жараёнининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштириш), прогностик (эксперт баҳолаш, баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни рефлексив, касбий, ижтимоий, акмеологик мезонларига боғлиқликда жамоат ташкилотлари фаолиятини мақсадли мувофиқлаштириш асосида аниқлаштирилган;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш мазмуни демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида “олий таълим муассасаси-жамоат ташкилотлари” ҳамкорлиги стратегиялари лойиҳалаш, ҳамкорликда ишлаш каби шахсга йўналтирилган технологияларни киритиш орқали очиб берилган;

тарбиянинг тарихийлик, илмийлик ва узвийлик тамойиллари таълим жараёнининг ташвиқот-тарғибот, таълим-тасниф, таълим-тарбия босқичларига кўра талабаларда масъулиятлилиқ, ташаббускорлик, мустақиллилиқ каби сифатларни ривожлантириш параметрларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён модели касбий билим, кўникма, малакалар, қизиқиш, ўзлигини англаш, тартиб-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш, шахсий сифатларга эга бўлиш каби кўрсаткичлар асосида кафолатланган натижага эришиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий методологик тамойиллари

аниқланган ва асослаб берилган ҳамда педагогик лойиҳалаштириш тизимининг модели ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштириш мазмуни, шакл ва методлари “таълим муассасаси–жамоат ташкилотлари” ҳамкорлиги стратегиялари аниқлаштирилган;

тадқиқотга оид назарий ёндашув, ғоялар, тавсиялар билан бойитилган, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мазмуни янги қарашлар билан такомиллаштирилган олий таълим муассасалари учун прогнозлар режаси тузилмаси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришга доир илмий-назарий ёндашув, қараш ва ғоялар, жаҳон тажрибаси ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари ўрганилди, талабаларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи восита ва омиллари аниқланди. Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг мазмуни асосланди, шакллантириш йўллари, мазкур жараёни самарали амалга оширишнинг технологик асослари ишлаб чиқилди. Талабаларда ватанпарварлик ғояларини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди, муаммога оид маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди ва уларнинг самарадорлигини оширишда амалий асос яратилди. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар олий таълимда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида ўз амалий фаолиятларини ташкил этиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари талабаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги шаклларда жорий қилинган: олий таълим муассасаларида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни рефлексив, касбий, ижтимоий, акмеологик мезонларига боғлиқликда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш мазмуни демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида “олий таълим муассасаси-жамоат ташкилотлари” ҳамкорлиги стратегиялари лойиҳалаш, ҳамкорликда ишлаш каби шахсга йўналтирилган технологияларни қўллашга доир тавсиялардан Бухоро муҳандислик технология институтининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган «UNICEN лойиҳаси “Аккредитация, баҳолаш ва талабаларнинг натижаларини такомиллаштириш” номли Америка Қўшма

штатлари таълим ва маданий ишлар бюроси билан ҳамкорликдаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро муҳандислик технология институтининг 2021 йил 7 декабрдаги 86-04/3145-сон маълумотномаси). Натижада талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тарбиянинг тарихийлик, илмийлик ва узвийлик тамойиллари таълим жараёнининг ташвиқот-тарғибот, таълим-тасниф, таълим-тарбия босқичларига кўра талабаларда масъулиятлилик, ташаббускорлик, мустақиллик каби сифатларни ривожлантириш параметрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармонида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2021 йил 1 декабрдаги 04-13/1688-сон маълумотномаси). Натижада талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён модели касбий билим, кўникма, малакалар, қизиқиш, ўзлигини англаш, тартиб-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш, шахсий сифатларга эга бўлиш каби кўрсаткичлар асосида кафолатланган натижага эришишга оид тавсиялар ва хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Долзарб мавзу”, “Юрт жамоли”, “Таълим оламиз”, “Интервью плюс”, “Ассалом Бухоро”, “Ёшлар келажагимиз”, “Бухорийлар бўстони”, “Ватанпарвар”, “Хотин-қизлар юрт ардоғида”, “Ватанпарвар ёшлар”, «Ўзбекистон Ватаним маним», «Она Ватан, мустақил Ўзбекистонга содиқ бўлиш», «Мустақиллик берган буюк неъмат», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Алпомиш авлодларимиз», «Ўзбегим ўғлонлари» каби кўрсатувларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадио компаниясининг 2021 йил 1 ноябрдаги 1/278-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашувига, кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга, талабаларда ўз Ватанига бўлган ҳурматни оширишга, Ватанни севишга, таълим-тарбияга доир маълумотларни кенгайтиришга, маънавий-ахлоқий фазилатларини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та нашр, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та, хорижий илмий журналларда 5 та мақола, республика миқёсидаги илмий-назарий конференция ҳамда тўпламларда 4 та ва халқаро миқёсда 3 та тезис эълон қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми: диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, таклиф ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш педагогик муаммо сифатида изоҳланиб, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришнинг омиллари ҳамда амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

Бугунги кунда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олий таълим тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, қабул қилинган концепцияларни амалга ошириш доирасида ҳар томонлама ривожланган, билимдон, халқига, шунингдек, Ватанга хизмат қилишга содиқ қилиб тарбиялашга оид кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанпарварлик – ўз Ватани ва она ерига муҳаббат; унинг тарихи, маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилиш; ҳар бир инсоннинг ўз кучига ишончи ва бутун жамиятнинг бирдамлиги; ўз мамлакати тарихига алоқадорлиги ва келажаги учун масъулиятни ҳис этиши; бир сўз билан айтганда ўз она Ватани учун жонбозлик кўрсатишидир. Бундай жонбозлик эса талабаларда таълим-тарбия жараёнида сингдирилади.

Ватанпарварлик - кишиларнинг она юртига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири¹. Тарихий жиҳатдан Ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги

¹ Сафоев Х. Талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – долзарб педагогик муаммо сифатида // Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2021 й. 3-сон. 276 - бет.

йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ватанни севиш иймондандир деб ҳам бежизга айтишмаган.

Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан биридир¹.

Ватанпарварлик талабанинг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган маънавий-ахлоқий фазилатларидир.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўйиладиган талаблар бу жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни шакллантириш мақсадида ёшлар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқига мувофиқ ва тизимли таъсир этишдир. Жамоат ташкилотларининг талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги асосий вазифалари қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Ёшлар ижтимоий онгини ривожлантириш;
2. Уларда маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва ривожлантириш;
3. Ёшларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор кўникма ва одатларни таркиб топтириш.

Олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид маънавий-ахлоқий мазмундаги тадбирларни ташкил этиш таълим муассасаси педагогик жамоаси ишининг таркибий қисми бўлиб, уларни ўтказишда раҳбарият, касба уюшмаси, “Ёшлар Йгтifoқи”, хотин-қизлар маслаҳат кенгаши, каби жамоат ташкилотлари иштирок этади.

Ватанпарварлик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён бўлиб, бунда дастлаб талабаларга ватанпарварликнинг моҳияти ва меъёрий қоидалар мазмунига оид билимлар берилади, аввало, фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунчалар, бу хилдаги ҳатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида уларда ватанпарварлик тушунчаси шаклланади ва фуқаролик хулқий одатлари ҳосил қилинади.

Диссертациянинг **“Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мазмуни”** номли иккинчи бобида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳамда технологиялари ёритиб берилган.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-том. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2001. – 395 б.

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- амалий фаолият орқали ватанпарварликни ривожлантиришга қаратилган педагогик вазиятларни яратиш шарт-шароитлари сифатида самарали иш шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- турли педагогик вазиятларда талабаларнинг фуқаролик ва миллий ўз-ўзини англашини ривожлантириш.
- Ҳар қандай педагогик вазиятларда ҳаёт, фаолиятнинг турли соҳаларида ва муносабатларнинг бутун спектрида амалга ошириладиган талаба шахсининг ватанпарварлик йўналишини ривожлантириш;
- ўқув жараёнида билимлар тизимини ўзлаштириш орқали ватанпарварлик талабаларнинг дунёқарашини, билиш фаолиятини ривожлантириш;
ватанпарварлик тадбирларида Ватанни ҳимоя қилиш қобилиятини ва тайёргарлигини ривожлантириш.

Ватанпарварлик қуйидаги принципларга таянади:

- Ватанни севиш (Ватан идеали, Ватан манфаати учун яшаш қобилияти ва истаги);
- инсонпарварлик (инсоннинг инсон сифатида кадр-қимматини, ҳуқуқларини, максимал ҳурматини тан олиш);
- ҳамкорлик (жамоада яшаш, ижодий вазифаларни ҳал этиш, жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш);
- соғлом турмуш тарзи (соғлом авлодни тарбиялаш заруриятидан келиб чиқади);
- маънавият (миллат маънавий тикланишнинг муҳимлиги);
- толерантлик;
- жамоада ва жамоат ташкилотлари орқали тарбиялаш.


Талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, китобхонлик саводхонлигини ошириш, театр, музей ва концертларда маданий ҳордиқ чиқаришга йўналтириш, уларда маънавий маданиятнинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шахснинг шаклланиши бутун умр давомида, барча жараёнларда давом этади, бу жараёнда талабаларни баркамол ва соғлом этиб тарбиялаш учун уларни замонавий ва миллий руҳда билим олишга, мустақил фикр юритиш, меҳнат қилишга ўргатиш, ижодий қобилиятларини юзага чиқариш имкониятларини яратиб бериш, тарбиянинг илғор шакл ва методларидан фойдаланиш муҳим. Бунинг учун олий таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда:

- турли танловлар ўтказиш, тарбиявий таъсир кўрсатишда оммавий ахборот воситалари материаллари билан таништириб бориш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимизни, илм-маърифат учун курашган давлат арбоблари, мутафаккирларнинг фаолиятини ўрганиш;
- талабаларни қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислар – ҳуқуқшунослар, шифокорлар, фан-маданият арбоблари билан доимий равишда учрашувлар, тренинглар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, маърузалар, мунозаралар ўтказиш;

- диққатга сазовор жойларга, маданият масканларига саёхатларни узлуксиз уюштириб бориш;
- турли соҳалар бўйича иқтидорли, ижодкор ёшларнинг беллашув, танлов, фестиваллар, илмий анжуманларда иштирок этишига эришиш;
- талабаларни ахборот тизимларидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- талабаларнинг мутахассисликларига бўлган қизиқишини уйғотиш учун уларни тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очиш;
- диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, ОИТСнинг олдини олиш мақсадида соғлом турмуш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган мутахассислар билан жонли мулоқотлар ўтказиш;
- “XXI аср ёшлари – улар қандай бўлиши керак?”, “Соғлом турмуш тарзи – соғлом авлод қафолати”, “Терроризм – ундан огоҳ бўлинг!” ва бошқа мавзуларда кўчма кўргазмалар ташкил этиш, шиорлар тарқатиш;
- Олий таълим муассасаларида “Энг яхши услубий қўлланма”, “Ёш ихтирочилар”, “Ноёб қобилият соҳиблари”, “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”, “Мен қонунни биламанми?” мавзуларида танловлар ўтказиш; “Универсиада”, “Баркамол авлод”, “Ёшлар агромарафони” ва бошқа тадбирлар ўтказиш талабаларнинг фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан жамоат ташкилотларида, шунингдек, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Соғлом авлод тарбияси” мавзусида марказ ташкил этиб, улар учун методик қўлланмалар яратиш назарда тутилади. “Йил талабаси”, “Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари” танловлари доирасида ёшлар фаоллари ва таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш, фото ва бадиий кўргазмалар ташкил этишга ҳам асосий эътиборни қаратиш лозим.


Олий таълим муассасаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини турли йўналишларда ташкил этиш мумкин, бу борада тарбиянинг турли шакл ва методлари, воситаларини қўллаш орқали унинг самарадорлигини оширишда қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:



1-расм. Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга оширилади. Мазкур масалалар талабаларда ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг модулли технологияси (андозаси)ни лойиҳалашга ёрдам берди. Буни биз қуйидагича ифодалашга ҳаракат қилдик

(2-расм):



2-расм. Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг модулли технологияси (андозаси)ни лойиҳалаш тузилмаси.

Жамоат ташкилотлари орқали талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш борасида ишларни олиб бориш назарда тутилади. Масалан, қўйилган вазифаларни амалга оширишда эътибор асосан Ватанни севиш уни мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш, миллий кадриятлари, анъаналаримиз, Ватанга муҳаббатни тарбиялаш каби улуғвор масалаларга қаратилади.

Олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш борасида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- таълим муассасаларида эгалланган билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланади, мазмунан бойитилади, такомиллаштирилади;

- ўрганилган назарий билим амалиёт, илғор тажрибалар, кенг жамоатчилик таъсирида ҳаётий эҳтиёжга айлантирилади;

- амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг мазмуни, шакл ва методлари мавжуд ютуқлар эмас, балки камчиликлар, ёшлар қизиқишлари, интилишларини ҳисобга олиш асосида ташкил этилади;

- фикр эркинлиги, ҳамкорликда демократик муносабатнинг юқори даражасига эришилади;

- фаолиятда изчиллик, доимийлик, жамоатчилик фикрига таяниш, тарбиявий иш натижаларини баҳолашда жамоатчилик мониторинги олиб борилади.

Диссертациянинг **“Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид ўтказилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси”** номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Олий ўқув юрти талабаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари ва уни ташкил этиш ҳамда самарадорлигини аниқлаш дастур асосида олиб борилди. Дастурда тажриба–синов ишларининг мақсад ва вазифалари, амалга ошириш босқичлари ҳамда унинг натижаларини аниқлаш каби масалалар ўз ифодасини топди.

Тадқиқот жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатиш асосда иш кўришда ўтказилган семинар-тренинглар, машғулотлар, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, суҳбатларда илгари сурилган фикрларнинг асослилиги, дунёвийлиги, ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги, мавзуларнинг изчиллиги, тизимлилиги ҳамда аҳамиятлилиги; назарий билим, кўникма ва малакаларнинг амалиёт билан боғлиқлиги; таълим муассасалари барча бўғинларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ҳамкорлиги муаммолари ўз ечимини топишда таълим мазмуни, методик таъминоти ҳамда ОАВ материалларининг бир-бирини тўлдириши муҳим омил эканлиги инобатга олинди.

Тадқиқот ишларимиз якунида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида индикаторлар ишлаб чиқилди. Уларнинг тузилмаси, мазмуни ва баҳолаш методлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришнинг квалиметрик тизими

Т.р.	Индикатор номи	Индикатор мазмуни	Баҳолаш методи
I.	Талабаларни ватанпарварлик тарбияси ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражасини белгиловчи индикаторлар		
1.1.	Ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир норматив-меъёрий ҳужжатлар, миллий анъаналарини билиш	Жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида шаклланган БКМ	Сухбат, интервью, тарқатма материаллар, “Чархпалак” технологияси, вазиятли масалалар, муаммоли топшириқлар, тест ва ижод маҳсули
1.2.	Тарихий ёдгорликларни билиш	Тарихий ёдгорликларни асраш ва кейинги авлодларга етказиш бўйича шаклланган муносабатига оид БКМ	
1.3.	Ўзбек миллий қахрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида билиши	Ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида шаклланган БКМ	
1.4.	Шарқ мутафаккирларининг ватанпарварликка доир ғояларини билиш.	Шарқ мутафаккирларининг асарларидаги ватанпарварликка доир маълумотларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
II.	Талабаларда ватанпарварлик тарбияси ривожланганлик даражасини белгиловчи индикаторлар		
2.1.	Ватанпарварлик тарбияси бўйича фанларни ўқиш жараёнида олинган назарий билимлар	Ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир эгалланган илмий-назарий БКМ	Кейс-стади методи ёрдамида маълумотлар таҳлили, амалий ва лаборатория машғулоти, SMART технологияси, интервью,
2.2.	Китобхонликни ривожлантириш жараёнида ўзлаштирилган ватанпарварлик тарбиясига оид амалий билимлар	Ватанпарварлик тарбиясини тарғиб қилувчи адабиётларни ўқиш жараёнида шаклланган маълумотлар	

2.3.	Ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларига оид билимлар	Ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларини ўқиш жараёнида ватанпарварликка доир шаклланган билимлар	ролли ўйин, вазиятли харита
2.4.	Ватанпарварлик тарбиясига доир тадқиқот кўникмалари	Ватанпарварлик тарбиясига доир индивидуал ижодий топшириқларни ечиш жараёнида шаклланган кўникмалар	
III.	Маънавий-маърифий фаолият жараёнида талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбияланганлик даражасини белгиловчи индикаторлар		
3.1.	Руҳий-психологик тайёргарлик	Маънавий-маърифий фаолият жараёнида топшириқларни бажаришда шаклланган шахсий сифатлар	Интегратив вазиятлар, ижодий топшириқлар, амалий -вазиятли топшириқлар, психологик тест, иллюстратив вазиятлар, эссе
3.2.	Креатив (ижодий) фикрлаш кўникмасининг шаклланганлиги	Талабаларда Ватанни севиш, уни ардоқлаш, Ватан равнақи учун қайғуриш туйғуларини шакллантириш	
3.3.	Ватанпарварлик туйғусини намоён қилишга инновацион ёндашувнинг шаклланганлиги	Маънавий-маърифий тадбирлар негизида шаклланувчи маънавий-ахлоқий сифатлар тизими	
3.4.	Тизимли таҳлил ва креатив қарорлар қабул қилиш кўникмасининг шаклланганлиги	Шахсий ва инсоний сифатлар, экскурсия туризми воситасида тарбияланганлик	

Тажриба-синов жараёнида иштирок этган талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнини такомиллашганлик даражаси *қуйи, ўрта* ва *юқори* даражаларда аниқланди (2-жадвал).

Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштиришнинг даражаси ва мезонлари

Ватанпарварлик руҳида тарбияланганлик даражалари	Ватанпарварлик руҳида тарбияланганлик мезонлари
